

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ  
АГРАР, СУВ ХЎЖАЛИГИ МАСАЛАЛАРИ ВА ЭКОЛОГИЯ  
ҚЎМИТАСИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ  
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**“ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ  
СОҲАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЛМИЙ  
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИНИНГ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ  
МАСАЛАЛАРИ”**

мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари

**ТҮПЛАМИ**

**1-китоб**

*22-23 февраль 2018 йил*

Тошкент-2018

Мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий тараққиётида илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш, илм ахли фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёшларга интеллектуал, маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий жиҳатдан таълим-тарбия бериш сифатини ошириш, шунингдек, талабаларга ижтимоий ва иктисодий жиҳатдан юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга ёрдам бериш қобилиятларини ўргатиш ҳамда давлат илмий-техник дастурлари доирасида бажарилаётган лойиҳалар асосида олиб борилаётган тадқиқотларнинг илмий янгиликларини ёритиш, профессор-ўқитувчи ва ёш олимлар ўртасида “Устоз-шогирд” анъаналарини давом эттириш, ташаббускорлик хислатларини ривожлантириш борасида фаол изланаётган аграр соҳа ходимларининг илмий изланиш натижаларини кенг оммага тарғиб қилиш мақсадида ушбу тўплам нашрга таёrlанди.

### **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ВА ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА:**

- Б.Сулаймонов - Тошкент давлат аграр университети ректори, б.ф.д., академик, раис.
- М.Адилов - Илмий ишлар бўйича проректор, қ.х.ф.д., раис мувонини.
- Б.Аширов - Илмий тадқиқот ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги, қ.х.ф.д.
- Р.Телляев - Ўсимлиқшунослик кафедраси профессори, қ.х.ф.д.
- Р.Дусмуратов - Қишлоқ хўжалигига бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси мудири, и.ф.д.
- Ў.Соатов - Балиқчилик, паррандачилик ва асаларичилик кафедраси мудири, қ.х.ф.д.
- Н.Раупова - Агрокимё ва тупроқшунослик кафедраси доценти, б.ф.н.
- И.Нормуратов - Мевачилик ва узумчилик кафедраси мудири, қ.х.ф.н.
- Г.Холмуродова - К/х. экинлари генетикаси, селекцияси ва уругчилиги кафедраси доценти, қ.х.ф.д.
- Э.Бердиев - Манзарали бодорчилик ва қўкаламзорлаштириш кафедраси мудири, қ.х.ф.н.
- Ш.Асатов - Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедраси мудири, қ.х.ф.д.
- М.Досмухамедова - Зоотехния кафедраси профессори в.б., қ.х.ф.д.
- О.Файзиев - “Инновация ва интеграция маркази” раҳбари.

### **Тақризчилар:**

Р.Ш.Телляев - ТДАУ Ўсимлиқшунослик кафедраси профессори, қ.х.ф.д.

Р.Д.Дусмуратов - ТДАУ Қишлоқ хўжалигига бухгалтерия ҳисоби ва аудит кафедраси мудири, и.ф.д.

Суный озуқа мұхитига құшиш учун, цитокинин манбаи сифатида, кинетин, 6 бензиламинопурин (6-БАП) ва зеатин ишлатылади. 6-БАП ва зеатин ажтилған тұқымаларни ўсишига оргоногенезни индукциясига кинетинга нисбатан фаолроқ таъсир күрсатади. Ҳозирги пайтда жуда күп соңи озуқа мұхитларни таркиби аниқ бўлсада, ажратиб олинган ўсимлик тұқымаларини *in-vitro* шароитида ўстириш учун DKW, MS, MS-519 озуқа мұхитлари ишлатылади. Бу мұхитни таркиби биринчи марорта 1962-1984 йилларда эълон қилингандар да у жуда яхши балансланған озуқа моддалари таркибига эга ва бошқалардан аммонийди ва нитратли азотни нисбати билан фарқ қиласади.

Ўсимликлардан ажратиб олинган ҳужайралар ва тұқымаларни яхши ўстириш учун, ўстиришни маълум шартларига роия қилиш кера. Кўпчиллик каллус тұқымалари ёргулікга эхтиёжи йўқ, чунки уларни хлоропластлари бўлмасдан, гетероторф озиқланадилар. Баъзи – бир яшил рангдаги каллус тұқымалар бундан мустасно. Баъзи бир ҳолатларда каллус тұқымалар автотроф озиқланишига қобилиятли эмас, буларни доимий ёргулік шароитида ўстирилади, бу эса мувоффакиятли морфогенез учун мажбурий шароитдир кўпроқ каллус тұқымалар коронгиликка олинади.

Ўстириладиган хонада намлик 60-70 % бўлиши керак. Ундан қуруқроқ хаво озуқа мұхитини қуришиб юборади, агар пробирка пахтали тиқин билан бектилган бўлса, озуқа моддаларни концентрацияси ўзгариб, ўстириш шароити бузилади. Кўпчиллик тұқымаларни ўстириш учун оптималь ҳарорат 25-260C.

Ўсимлик тұқымаларини бир қисмини ажратиб олиб, уларни озуқа мұхитига ўтказища бир бирига мос алоқаларни бузилиши ҳам ҳужайраларни генетик мұйтадилликдан чикишига олиб келади. Шунга ўхшаш натижалар озуқа мұхити таркибидаги фитогормонларни ҳужайранинг генетик аппаратига таъсири оқибатида намоён бўлиши мумкин. Каллус ҳосил бўлиши учун гормон сифатида албатта озуқа мұхити таркибидаги ауксинлар ва цитокинилар киритилади. Бу моддаларни мутагенлик хусусияти эса кўпчиллик олимлар томонидан исботланған. Энг кучли мутагенлик хусусияти эса кўпчиллик озуқа мұхитлари таркибига киравчи 2,4-Д препаратида кузатилган.

Цитокинилар хусусан кинетик ҳужайраларда полиплоидия содир бўлишига ёрдам берадилар. Каллус ҳужайраларни генетик хилма-хиллиги, уларни ташки мұхит таъсирига фитопатогенларга чидамли ҳамда серхосил мутантлар олиш учун амалга ошириладиган селекцион ишларда фойдаланиш имкониятини яратади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Турли хил озуқа мұхитларидан гирос ўсимлигининг каллус тұқымаларини культурага киритишда синааб кўрилди. Натижада каллус ҳужайралари нобуд бўлиб қолмаслиги учун уларнинг бўлинишга бўлган қобилиятларини йўқотмасликлари учун, эксплантерларда пайдо бўлган бирламчи каллус, 4-6 ҳафтадан кейин янги тайёрланған озуқа мұхитига ўтказиб турилади. Баъзи бир ҳолатларда каллус тұқымалар автотроф озиқланишига қобилиятли эмас. Буларни доимий ёргулік шароитида ўстирилади, бу эса мувоффакиятли морфогенез учун мажбурий шароитдир кўпроқ каллус тұқымалар коронгиликка олинади. Морфогенезга аникланған тұқымалар ёргулікга ўтказилиб, кейин 1000-4000 лк ёргулікда яхши натижаларга эришилди.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Биотехнология кормопроизводства и переработки отходов. Рига: Зинатие, 1987
2. Быков В.А. и др. Микробиологическое производство биологически активных веществ и препаратов. – М. Высшая школа, 1987.
3. Ковалев А.А. Ножевников А.Н. Технологические линии утилизации отходов животноводства в биогаз и удобрения.-М.: Знания, 1990.

## МАҲАЛЛИЙ ОҚИМ СУВЛАРИНИ ЙИФИШ ОРҚАЛИ УЗУМНИ СУФОРИШ

А.Жуманов

Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳужалигини механизациялаш мұжандислари институти

Кейинги йилларда сув танқислиги йилдан йилга ошиб бормоқда. Сув танқислигини юмшатища мавжуд сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш масаласи асосий вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Сув Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий-иктисодий фаровонлиги ва атроф-мұхитини саклашнинг асосий омилларидандир. Минтақа давлатлари кейинги пайтда тез-тез такрорланаётган қургокчилик, табиий оғат, чанг-тўзон, тошқин ва бошқа ўта хавфли табиий жараёнлар шароитида биргаликда фойдаланиладиган сув ресурсларини бошқариш борасидаги муаммоларга дуч келмоқда. Бирок бу муаммо, айниқса, Ўзбекистон Республикасида жуда сезиларлидир. Негаки, Ўзбекистон минтақа давлатлари орасида тобора ўсиб бораётган аҳолиси ва табиий экотизимларнинг ижтимоий-иктисодий ҳамда экологик эхтиёжларини қондириш, барқарор ривожланишини таъминлаш учун сувга бўлган талаби жуда юкори бўлган мамлакат ҳисобланади.

Узум новдалари ва баргларида 71-73%, гужумларида 80-85%, танасида 30%, зангида 40% ча, илдизларида эса 50-55% сув бўлиши, сувнинг асосий қисми транспирация ва нафас олиш учун сарфланиши, сувнинг маълум қисмигина бевосита органик моддаларни ҳосил қилиш учун сарф бўлиши аникланган. Ўзбекистон шароитида узум 1 ц. ҳосил тўплаш учун 44-50 м<sup>3</sup> сув талаб қилиниши аникланган.

Тогли ва тог олди худудларида узумзор учун жой танлашда куйидагиларга эътибор этиш зарур. Узумзор барпо қилинадиган майдон 10-15 гектардан кичик бўлмаслиги лозим ҳамда келгусида янада кенгайтириш имконияти бўлиши керак. Узум экиш ва уни парваришлариши механизациялаштириш мумкин бўлиши учун майдон 10 градусдан ортиқ даражада кия бўлмаслиги, агар кия бўлса, зина-зина шаклида тексланган бўлиши керак. Тог олди худудларининг унчалик кия бўлмаган ва ёзда ҳам еринисбатан нам бўлиб турадиган жойлар узумзор қилиш учун яроқлидир. Узум барвақтрок пишиб, гужумида қанд моддаси кўп бўлиши учун узум баландроқ зонанинг жанубий қияликларига экилиши керак. Ёгин сувларидан (селлардан) яхшироқ фойдаланиш учун, узум қаторлари қияликка кўндаланг жойлашиши лозим. Узум экиладиган жойнинг қиялиги 5-10 градус бўлса, узум қаторлари қияликка кўндаланг қилиб экилади, агар қиялик 10 градусдан ортиқ бўлса, бу жой аввал зина шаклида текисланади. Узумзор барпо қилинадиган майдон аввал яхшилаб ишланган бўлиши зарур. Ер қанчалик чукур ҳайдалса сернамроқ бўлиб, узум кўчатларининг яхшироқ тутиб, кучли ўсишини таъминлайди. Тог олди худудларида ҳар гектарга қанча тупдан узум кўчати ўтказиш узумнинг навига, тупроқ ва иклим шароитига қараб ҳал этилади. Бунда узум қатор орасини 2,5-3м, қатордаги туп орасини 1,5-3 м қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, М.М.Мирзаев ва М.Қ.Собиров[1].

Илмий изланишлар асосида мевали bog ва узумзорларни сугоришда ресурстежамкор сугориши технологияларини такомиллаштириш мақсадида Қашқадарё вилояти Яккабог тумани “Нормумин ота” фермер хўжалиги даласида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Тадқиқот тажрибаси Қашқадарё вилояти Яккабог тумани, Б.Худоёров хўжалиги худудида тог олди бевосита тик тог ёнбагирларига туташиб кетади. Тавсифланаётган хўжалик худуди Ҳисор тизмасининг гарбий тармоги Хонтог (Хонтахта) тизмаси тог олди қисмида жойланган. Нормумин ота фермер хўжалигидаги узумзор ер майдонлари 3Х2,5., 3Х2 схема бўйича экилади. Шу сабабли 1 га. майдон (10000 м<sup>2</sup>) га экиладиган узум тупларининг сони куйидаги формула билан аникланди:

$$X = \frac{10000}{a \cdot b};$$

бу ерда: X - 1 гектар ер мойденидаги туплар сони,

а - қаторлар оралиғи,

б - қатордаги туплар оралиғи.

Тупроқ намлиги ўсув даврининг маълум давраларида сугориши орқали тартибга солинади. Йиллик ёгин микдори 450-500 мм. дан кам бўлмаган тогли ва тог олди районларида узумларни сугормасдан ёки 1-2 марта сугориб ўстириши мумкин. Тупрокнинг сув режимини тартибга солишда факат сугоришигина эмас, шунингдек, узумзор тупрогига вактида ва сифатли ишлов бериш, бегона ўтларни йўқотиш, мульчалаш, маҳаллий оқим сувларини тўплаш, химоя дараҳтларини экиш ва бошқа агротехника тадбирлари ҳам мухим аҳамиятга эга. Сугориладиган ва лалми деҳқончилик шароитида тупрокларнинг агрофизикаий хоссаларини билиш-уларнинг самарадорлик қобилийтини оширишда мухим аҳамиятга эга. Тупрокларнинг физикаий хоссалари ва уларда кечадиган физикаий жараёнлар тупроқ умумдорлигини юзага келтиришдаги асосий омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун уларни ўрганишга доимо эътибор қаратилган ва ҳозирги кунда бу масалани ўрганишга янада жиддий эътибор берилмоқда.

Богдорчилик, узумчилик ва бу тармоклар билан уйғунлашган соҳаларни ривожланиши ҳамда худудий ташкил қилишда рельеф, иклим сув ва тупроқ ресурсларининг роли каттадир. Айниқса, Қашқадарё воҳасида қарор топган агроиклиний омиллар факат истеъмол характеридаги bogдорчилик ва узумчиликни ҳамда унга уйғунлашган тармокларнинг ривожланишига ижобий таъсир этибина қолмай, балки шу тармоклар негизида қайта ишловчи саноат корхоналарининг ҳам тараққий этишига ва экспорт йўналишичининг шаклланишига ҳам ижобий таъсир этади. Қашқадарё воҳасида, қишлоқ хўжалик экинлари этишириш, биринчи навбатда об-ҳавонинг инжикликларига тўла болглик бўлсада, bogдорчилик ва узумчилик учун кулай бўлган вегетация даврининг узунлиги 263-279 кун кўзга ташланади. Шунингдек bogдорчилик ва узумчиликда ҳар йили такрорланиб турадиган баҳорги ва кузги совук кунлар ҳам хосилдорлик ва ялпи ҳосилга сезиларли суръатда таъсир киласи.

Қашқадарё вилоятининг иклими кескин ўзгарувчан континентал ва шу билан бирга ёзи иссик, қиши анча совук бўлганлиги туфайли қишида шимолий арктика совук ҳаво оқимлари келиб, ҳароратни анча пасайтириб юборади. Январь ойида ўртacha ҳаво ҳарорати 0°C дан +2°C га, қишида баъзан-15°C дан -25°C гача пасайиши мумкин. Ёзи иссик ва қуруқ бўлиб, узоқ давом этади. Июль ойида ҳарорат кундуз кунлари баъзан +44°C дан +47°C гача кўтарилади. Ёзниг иккинчи ярмига келиб, 7-15 кун давомида гармсел шамоллар эсиб, у қишлоқ экинларига сезиларли даражада зарар етказади. Шимоли-шарққа томон ёгин микдори ортиб боради. Йилига текисликларда 290-300 мм, адирларда 320-550 мм, тогларда эса 550-

650 мм ёгин тушади. Ёгин асосан баҳор ва қишида ёғади. Ёгингарчиликнинг ойлар бўйича энг максимал қиймати асосан 3 ойга тўғри келади, яъни март 50 мм, декабрь 45 мм ва апрель 39 мм.

Тогли ва тог олди зоналар ўзининг тупроқ-иклим ва иқтисодий шароитларига кўра, текислик зоналаридан тубдан фарқ қиласи. Шунинг учун бундай ерларда узумзор барпо қилиш, нав танлаш, уларни жойлаштириш ва парвариш ишлари алоҳида эътиборни талаб этади. Ўзбекистоннинг бир катор тогли ва тог олди районлари (Бахмал, Ургут, Хатирчи, Китоб, Яккабог ва Шахрисабз ва х.к.)да ҳозирда ҳам узумчилик ривожланган бўлиб, узумнинг хўраки ва айникса, қишишибоп навларидан сифатли ҳосил ҳамда майиз етиширилмоқда. Академик М.Мирзаев номидаги бодорчиллик, узумчилик илмий-тадқикот институти томонидан олиб борилган тадқикотлар натижаларига кўра республиканинг тогли ва тог олди районларида Узумзорлар барпо қилиниши мумкин бўлган 700 минг гектардан ортиқ ер мавжудлиги аникланган, А.А.Рибаков, С.А.Остроухова [2].

Тог олди миңтақаларидан узумзорларни етиширишда биринчи холатда йигилган сувдан самарали фойдаланишда кейинги эгатларга тушиши учун жумраклари очилиб, кейинги эгатларга ўтказиш холатлари келтирилган. Ёгингарчилик туфайли тушаётган ёмгир томчилари тушиши натижасида тупроқнинг юза ювилиш жараёнлари, жала-ёмгириларнинг томчиси ер бетига куч билан томчиланиб, ёнбагирдаги тупроқ бўлакчаларини (агрегатларини) майда заррачаларга парчалаб атрофга сачратади ва шу пайтда қиялиқда пайдо бўлган кучли сув оқими, тупроқ заррачаларини эритиб, оқим лойқаланиб тупроқни сув ўтказувчаник холатини сусайтиради. Кашқадарё вилояти Яккабог тумани Б.Худоёров сув истеъмолчилар уюшмасига қарашли “Нормумин ота” фермер хўжалигига узумни маҳаллий сувлар билан сугориш натижасида узумдан юкори ҳосил олишга эришилди ҳамда дарё сувини иқтисод қилишга эришилди.

Хулоса: Кашқадарё вилоятининг тог олди худудларида сувдан самарали фойдаланишда узумдан юкори ва сифатли ҳосил олишда маҳаллий оқим сувлари (кор ва ёмгир)ни йигиб, сув танқислигини юмшатиш мақсадида узумзорларни сугориш тавсия этилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. М.М.Мирзаев., М.Қ.Собиров-Бодорчиллик-/Т., 1987й., 126-б.
2. А.А.Рибаков, С.А.Остроухова-Ўзбекистон мевачилиги-/Т., 1981й, 506 б.

## ОЛТИНСИМОН ҚАРАҒАТ НАВЛАРИДА СУВ ТАНҚИСЛИГИ ВА СУВ МИҚДОРИНИ ЎРГАНИШ

А.А.Қосимов, Ш.Н.Ражаметов  
Академик Махмуд Мирзаев номли  
бодорчиллик, узумчилик ва виночиллик ИТИ

**Кириш.** Маълумки дунё ахолиси сонини кўпайиши хисобига озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, дехқончилик учун ер майдонларининг кенгайтиришни ҳамда мавжуд экинзорларнинг ҳосилдорлигини оширишни тақозо этади. Бу ўз навбатида сувни кўп талаб қилишга олибкелади. Бирок кейинги 10 йиллар давомида миңтақамизда сув танқислиги ортиб бормокда. Сув танқислигини эътиборга олиб ҳозирги кунда республикамида сугоришга яроқли сувлар ҳажми қишлоқ хўжалик экинлари майдонларини кенгайтириш ва ҳосилдорликни оширишда чекловчи омил бўлиб келмокда.

Республикамида йиллик ёгин миқдори тогли ва тог олди миңтақаларида 200 дан 800 мм гача, водий шароитида 100 дан 600 мм гачани ташкил этади ҳамда дехқончилик асосан сугориладиган ерларда олиб борилади. Кўриниб турибди, республикамизнинг барча худудларида сув танқислиги муаммоси намоён бўлмокда, шуни таъкидлаш қеракки сув танқислиги келажакда яна ҳам ортиб боради. Бунинг учун экин майдонларини сув билан таъминлашда ундан оқилана фойдаланишга жуда катта ахамият берилиши қерак.

Одатда дехқонлар ўсимликларни сувга бўлган эҳтиёжини ташки қўринишлар (сўлиш, барг рангини ўзгариши ёки гулни тўқилиши)га қараб белгиланган. Аммо бундай усуслар экинни ҳосилдорлигига кескин таъсири қилиши мумкин. Сугоришни кечиктириб юбормаслик мақсадида ўсимликнинг физиологик холатини аниклаш муҳим ахамият касб этади. Бир марталик қиска аммо кучли кургокчиликни кўрган ўсимлик ўзининг дастлабки ҳолатига қайтиб келмаслиги аникланган.

Кургокчилик шароитида ўсимликни сув режими бузилади. Бунда фотосинтез, нафас олиш, ферментлари реакцияларнинг фаоллиги, ўсиш ва ривожланиш минерал озукланиш, илдиз босими, сувнинг шимилиши ва бошкаларга ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқикот ишларининг асосий мақсади олтинсимон корагат навлари новдаларида сув танқислиги ва сув миқдорини вегетация давомида ўзгарувчанигини аниклашга қаратилган. Юқоридагиларни инобатта олиб, олтинсимон корагат навлари новдалари сув танқислигини ўрганиш долзарб хисобланади

Тажриба учун Ўзбекистонда етиширилаётган олтинсимон корагат навларидан Сиома (st), Рухшона (st) ва маҳаллий Ёдгор ва Эликсир навлари танлаб олинди. Бир йиллик новдалардаги сув танқислиги ва миқдори

**МУНДАРИЖА**

<b>Макола номи ва муаллифлар</b>	<b>Бети</b>
<b>СЎЗ БОШИ</b> <b>Б. Сулаймонов</b>	<b>3</b>
<b>ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ИЛМИЙ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ Б.Сулаймонов, М.Тошболтаев</b>	<b>4</b>
<b>1-ШУЙБА</b>	
<b>ЎСИМЛИКШУНОСЛИК, ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА АГРОКИМЁ СОХАСИДАГИ ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР</b>	
<b>МУТТАСИЛ ШОЛИ ЕТИШТИРИШДА АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИККА ТАЪСИРИ М.А.Эргашев, М.А.Ахтамов, А.И.Абибуллаев</b>	<b>9</b>
<b>ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ ПЛОДОРОДИЯ ЗАСОЛЕННЫХ ЗЕМЕЛЬ Д.У.Исмаилов</b>	<b>10</b>
<b>БЕРЕЧЬ ЗЕМЛЮ, ВСЕГДА УМНОЖАТЬ ЕЁ ПЛОДОРОДИЯ Н.Б.Реимов, Ф.Реимова, О.Реимов</b>	<b>12</b>
<b>ЭКИНЛАР АГРОТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ЕРЛАРНИ ЛАЗЕРЛИ ТЕКИСЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ Н.Реимов</b>	<b>14</b>
<b>ПАЛЫЗ ЕГЫНЛЕРЫНДЕ УШЫРАСАТУГЫН ЗЫЯНКЕСЛЕР ТУРЛЕРЫ ҲЭМ ОЛАРГА ҚАРСЫ ГУРСТЕ АГРОТЕХНИКАЛЫҚ ӮЛАЖЛАРДЫҢ ӘХМИЙЕТЫ А.Реймов, С.Саҳабаева</b>	<b>16</b>
<b>ВЛИЯНИЕ МИНЕРАЛЬНЫХ И НЕТРАДИЦИОННЫХ УДОБРЕНИЙ НА ПРОДУКТИВНОСТЬ ХЛОПЧАТНИКА А.У.Исмаилова</b>	<b>17</b>
<b>ВЛИЯНИЕ СОЛЕПЫЛЕВЫХ АЭРОЗОЛЕЙ НА ПЛОДОРОДИЯ ПОЧВЫ У.Е.Исмаилов, Д.Қутлымуратова, Н.Елемесова</b>	<b>19</b>
<b>ВЛИЯНИЕ ВЫСЫХАНИЯ АРАЛЬСКОГО МОРЯ НА АГРОХИМИЧЕСКИЕ И АГРОФИЗИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА ЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВ КАРАКАЛПАКСТАНА У.Е.Исмаилов, Б.Б.Жоллыбеков, Б.Халмуратова</b>	<b>20</b>
<b>КУЗГИ БОШОҚЛИ ДОН ЭНИНЛАРИНИ СУГОРИШ ТАРТИБИННИНГ ЎСУВ ДАВРИГА ТАЪСИРИ О.А.Аманов, А.Шоймурадов</b>	<b>22</b>
<b>ЎЗБЕКИСТОН ЖАНУБИДА СОЯ ЭКИНИНИ ЕТИШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ Н.Н.Абдурахимов, Ш.Қ.Шайманов</b>	<b>25</b>
<b>САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ УРУГИНИ ЭКИШ ОЛДИДАН КИМЁВИЙ ДОРИЛАР БИЛАН ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ А.Т.Росабоев, У.Б.Имомқулов</b>	<b>26</b>
<b>ҚАРАҚАЛПАҚСТАН ЖАГДАЙЫНДА ДӘНЛИ ЕГИНЛЕРДЕН БИР АТЫЗДАН ЕКИ ОНИМ ЖЕТИСТИРИЎ ӮЛАЖЛАРЫ У.Абыллаев, Б.Абдуллаев, А.Реймов</b>	<b>28</b>
<b>SOYA FOYDALI XUSUSIYATLARGA MO'L O'SIMLIK K.Jalolov, N.No'monova</b>	<b>29</b>
<b>ОСИЁ ЛОВИЯСИ-МОШ ИСТИҚБОЛЛИ ЭКИН Х.А.Идрисов, Р.У.Сантканова, Н.Б.Туйгунов</b>	<b>30</b>
<b>ЛАЛМИКОР МИНТАҚА ТУПРОҚЛАРИ УНУМДОРЛИГИНИ САҚЛАШ ВА ҲИМОЯЛАШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР А.Х.Қораев</b>	<b>32</b>
<b>КОНСТРУКЦИЯ СКВАЖИН ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ВЕРТИКАЛЬНОГО ДРЕНАЖА ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ МЕЛИОРАТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ОРОШАЕМЫХ ЗЕМЕЛЬ А.Абиров, У.А.Садикова, Л.Ф.Узакбаева</b>	<b>34</b>
<b>ТРИТИКАЛЕ - ИСТИҚБОЛЛИ ДОНЛИ ЭКИН У.Д.Бобатова</b>	<b>37</b>
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ И.О.Тўланов, К.О.Тўланов</b>	<b>38</b>

МАМЛАКАТИМИЗДА ЮҚОРИ СИФАТЛИ, ЭКОЛОГИК СоF МОЙЛИ ЭКИНЛАР ЕТИШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИ ҚАЙТА ИШЛАШ <b>С.Я.Исламов., З.З.Джамалов</b>	151
УНАБИ – ЧИЛОНЖИЙДА ЕТИШТИРИШГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК! <b>И.Т.Нормуратов, Э.Ахмедов, Д.У.Жанакова, И.Ч.Намозов, И.Оманов</b>	152
ДУРАГАЙ ШАКЛЛАРНИНГ УЗУМБОШЛАРИНИ МЕХАНИК ТАРКИБИ <b>А.А.Хакимов, А.Н.Маликов, У.И.Маматов</b>	154
САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ УРУГЛАРИНИНГ УСТКИ МИКРОФЛОРАСИНИ ТАХЛИЛИ <b>С.С.Алимухамедов, М.У.Холдоров, М.А.Ахмедова</b>	155
ПОМИДОР ЭКИНЛАРИ УРУГЛАРИНИНГ УСТКИ МИКРОФЛОРАСИНИ УРУГДОРИЛАГИЧЛАРНИ ТАЪСИРИ <b>С.С.Алимухамедов, М.У. Холдоров, М.Ахмедова</b>	156
МИКРОБИОЛОГИК ЎГИТЛАРНИ САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ВА КАРТОШКА ЕТИШТИРИШДА ҚЎЛЛАШ <b>В.В.Бережнова, Х.Т.Караходжаева, Г.М.Маматраимова</b>	158
ВЛИЯНИЕ НОВЫХ ВИДОВ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА УРОЖАЙНОСТЬ ТОМАТОВ <b>В.В.Бережнова, Х.Т.Караходжаева, Г.М.Маматраимова</b>	159
ПИЕЗ УРУГЧИЛИГИ ВА УРУГ ЕТИШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ <b>Ш.Махамадаминов</b>	161
МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК СОҲАСИДАГИ МУАММОЛАР ВА ИМКОНИЯТЛАР <b>А.Қ.Тулагоев, М.А.Холикулов</b>	163
РЕЗУЛЬТАТЫ ИССЛЕДОВАНИЯ ВЛИЯНИЯ СОВМЕЩЕННЫХ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПРОЦЕССОВ ВОЗДЕЛЫВАНИЯ НА РОСТ, РАЗВИТИЕ И УРОЖАЙНОСТЬ КАРТОФЕЛЯ <b>Ф.К.Ганиев</b>	165
КУРТАК ЮКЛАМАСИНИ УЗУМНИНГ МУСКАТ ВЕНГРЕСКИЙ НАВИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ <b>А.Н.Маликов, Д.Нишонова, Ж.Ж.Пардаев</b>	170
ШАРОББОП НАВЛАРНИНГ ҲОСИЛДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ <b>А.Н.Маликов, Д.Нишонова, Ж.Ж.Пардаев</b>	171
ГРЕК ЁНГОГИНИНГ ФЕНОЛОГИК ФАЗАЛАРИНИ ЎТИШИ <b>Ж.Н.Файзиев, О.А.Абдуллаев, А.Н.Маликов</b>	172
IN-VITRO ШАРОИТИДА ГИЛОС ЎСИМЛИГИНИНГ КАЛЛУС ТЎҚИМАЛАР КУЛЬТУРАСИ <b>С.Х.Абдураманова</b>	173
МАҲАЛЛИЙ ОҚИМ СУВЛАРИНИ ЙИГИШ ОРҚАЛИ УЗУМНИ СУГОРИШ <b>А.Жуманов</b>	175
ОЛТИНСИМОН ҚАРАГАТ НАВЛАРИДА СУВ ТАНҚИСЛИГИ ВА СУВ МИҚДОРИНИ ЎРГАНИШ <b>А.А.Қосимов, Ш.Н.Ражаметов</b>	177
ЮҚОРИ СИФАТЛИ ШАРБАТ ОЛИШДА УРУГСИЗ АНОР НАВЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ <b>У.И.Акрамов, М.Мирзаев, Б.Хуррамов</b>	179
ТОКНИ ҲАЛҚАЛАШ УСУЛИДА ЕТИШТИРИШ <b>С.А.Юсупов, Ф.Ф.Курбонов</b>	181
ОЛМА ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ <b>Г.Рустамова, Н.Сарибоева</b>	183
ГИЛОС НАВЛАРИНИ ЎРГАНИШ <b>М.М.Исройлов, С.И.Шодиев</b>	185
ЛИМОНЧИЛИКДА АСОСИЙ МАКРО ВА МИКРО ОЗИҚА МОДДАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ <b>М.У.Каримов, С.И.Ўсканова</b>	186
ИССИҚХОНАЛАРДА САБЗАВОТЛАРНИ ЕТИШТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ <b>С.Юнусов, З.Абдиев, А.Элмуродов</b>	188